



АБУ ҲАНИФАНИНГ ЭЪТИҚОДИЙ ҚАРАШЛАРИ БОРАСИДА КЎТАРИЛГАН БАҲСЛАРДАН ЛАВҲА

¹Сулайманов Дилмурод Махамматжанович

Ўзбекистон халқаро ислом академияси,
“Исломшунослик” мутахассислиги 2-курс магистранти,

²Сағдиев Ҳабибулло Ёдгорович

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Исломшунослик ва ислом цивилизациясини

ўрганиш ICESCO кафедраси доценти

eagle75@mail.ru.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7439892>

ARTICLE INFO

Received: 04th December 2022

Accepted: 14th December 2022

Online: 15th December 2022

KEY WORDS

Абу Ҳанифа, Абул Фатҳ
Шаҳристоний, мотуридия,
имон, ҳанафия, муржиийлик,
хорижийлик, мўътазилыйлик,
амал, аҳли сунна вал жамоа.

ABSTRACT

Ушбу мақолада Абу Ҳанифанинг мотуридия таълимоти ва ақидасининг тўғри талқинда халқ орасида тарқалишида кўрсатган хизматлари, имон ҳақида турли фирқаларнинг фикрлари келтириб ўтилади ва энг тўғри фикрни илмий асослар билан далиллаб берилганлиги ҳақида сўз боради.

Тарихий маълумотлар Ўзбекистон ҳудудида асрлар давомида ақидада мотуридийлик мактабига ҳамда фикрда ҳанафийлик мазҳабига риоя қилиб келинишини кўрсатади. Суннийликдаги ҳанафийлик мазҳаби ва мотуридийлик ақида мактаблари халқнинг қадриятлари, урф одатлари билан уйғун ҳолда ўзбек диёрининг ажралмас қисмига айланган. Юқорида эслаб ўтилган мазҳаббоши Абу Ҳанифа Нўъмон ибн Собит шахсиятининг ўзига хос жиҳати шундаки, у нафақат ҳанафийлик мазҳаби асосчиси бўлмиш тан олинган мужтаҳид, айти вақтда мотуридийлик мактаби илдиз негизларини шакллантиришда олимнинг ақидавий қарашларига асосланганлигини кўриш мумкин. Афсуски, бугунги кунда Абу Ҳанифа ва Абу Мансур Мотуридий ақидавий қарашларини бир-бирдан фарқли

қилиб кўрсатишга уринишлар кўзга ташланмоқда.

Мевали дарахтга тош отилгани каби, аҳли сунна вал жамоа мазҳабини етук мужтаҳид олими Абу Ҳанифа шаънида ҳам айрим танқидий қарашлар кўтарилиб, турли баҳс-мунозаралар келиб чиққан. Имом Аъзамга нисбатан қиёсни Қуръон ва суннат насларидан устун кўриши, раъй ва шаръий ҳийлаларни ишлатишга кўп берилиши, куфрга оид масалаларда икки марта тавба қилдирилиши, Қуръони каримни махлуқ, жаннат ва дўзахни эса фоний, деб ҳисоблаши ва ақидада муржиий бўлганлиги каби баҳслар шулар жумласидан.

Абу Ҳанифага отилган шубҳа тошлари ҳанафий мазҳаби ва мотуридий мактабига ирғитилган эканлигини унутмаслик керак. Мазкур баҳсларни илмий тадқиқ қилиш ва



уларга ўз вақтида раддиялар бериш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этади.

Баҳсларнинг барчасига киришиш кўп вақтни талаб қилгани учун фақатгина Имом Аъзамга муржийлик нисбатини берилиши масаласини ёритиш мақсадга мувофиқ. Тарихий манбалардан маълум бўладики, олимга муржийлик нисбатининг берилиши унинг ҳаётлик давридаёқ бошланган. Бунинг келиб чиқиш сабаби эса олим томонидан иймонга қалб билан тасдиқлаш ва тил билан иқрор бўлишдан иборат, деб таъриф берилиши, унга амални кирмаслиги, имон кўпайиб-камаймаслиги, гуноҳи кабира қилган киши кофир бўлиб қолмаслиги каби билдирилган эътиқодий қарашлари бўлган.

Имом Термизий Ибн Аббос (р.а) ривояти орқали нақл қилган ҳадиси шарифда Набий (с.а.в): “Менинг умматимда икки синф бор. Икковларининг ҳам исломдан насибаси йўқдир: муржий ва қадарийлар”, деган. Муржийлар авваллари бир сиёсий оқим бўлса ҳам, кўп вақт ўтмай бошқа гуруҳлар каби назарий баҳсларга киришиб, имон ва куфр мавзуларида кўплаб баҳсу мунозаралар олиб боришган.

Абул Фатҳ Муҳаммад ибн Абдулкарим Шаҳристоний “ал-Милал ва-н-ниҳал” асарида муржийларни адашган фирқалар қаторида келтириб, бу атама араб тилидаги “иржо” сўздан келиб чиққанлигини таъкидлаган¹. Иржо сўзи “кечиктириш, бирор нарсани

вақтинча орқага ташлаш” ҳамда “умид қилиш” маъноларини англатади.

Муржийлик ақидасига “иржо” сўзининг икки маъноси ҳам мос келиб, улар мўмин банда адо қилиши лозим бўлган барча амалларни орқага сурган ва кофирга тоат-ибодат фойда бермаганидек, ҳар қандай гуноҳ-маъсият иймонга зарар етказмайди, деб ҳисоблашган.

Имон ва амал масаласида мусулмонларни тўрт йўналишга бўлиш мумкин:

1. Хорижийлар ақидасига кўра, инсоннинг амали имоннинг таркибий қисмини ташкил этиб, амални тарк этган киши иймондан чиқади ва кофир бўлади.

2. Мўътазилийлар ақидасига кўра, инсоннинг амали имоннинг таркибий қисмини ташкил этиб, амални тарк этган киши иймондан чиқади, аммо кофир бўлмайди, балки икки манзил - имон ва куфр ўртасидаги учинчи манзилда қолади.

3. Муржийлар наздида ҳеч қандай амалга эҳтиёж йўқ, фақат кўнгилнинг тасдиғи ёки ёлғиз тасдиқ ва иқрорнинг ўзи кифоя қилади. Кофирга тоат фойда бермаганидек, ҳар қандай гуноҳ-маъсият имонга зарар етказмайди.

4. Аҳли сунна ва жамоа мазҳаби ўртача мавқеда туриб, унга кўра амал қилиш зарур, лекин уни тарк этган киши кофир эмас, балки фосиқ ҳисобланади. Айни вақтда, улар икки гуруҳга бўлинади: муҳаддислар имонни эътиқод ва амаллардан иборат десалар, фақиҳлар ва назар эгаларининг аксарияти эса амални унинг таърифига киритмайди. Абу Ҳанифа шуларнинг иккинчи жумласидан бўлиб, амални имоннинг жузъи эмас, балки тақозоси деб билган.

¹ Қаранг: Абул Фатҳ Муҳаммад ибн Абдулкарим Шаҳристоний. Ал-Милал ва-н-ниҳал. – Байрут: Дару-л-кутуб ал-илмия, 1992. – Ж. I. – Б. 137.



Имом Аъзамнинг ақидага оид “ал-Фикҳу-л-акбар”, “ал-Фикҳу-л-абсат”, “ал-Олим ва-л-мутааллим”, ва “Васият” каби асарларини тадқиқ қилиш орқали алломани турли фирқаларга қарши курашган илк сунний мактабининг асосчиси бўлганлиги ва уларда муржийлик қарашларини қўллаб-қувватловчи бирорта ибора ҳам мавжуд эмаслигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Зеро бу олим баъзи саҳобалар билан қўришишга муяссар бўлган тобиий, шунингдек аҳли сунна вал жамоанинг илк фақиҳ олимларидан бўлгани маълум ва машҳур.

Қолаверса, Нўмон ибн Собитнинг муржийлик қарашларига муносабатини унинг бу борадаги эътиқодий қарашлари ҳақида сўз юритилган асарларни чуқур ўрганиш орқали ҳам айтиш мумкин бўлади.

Абул Фатҳ Шаҳристоний ўзининг “ал-Милал ва-н-ниҳал” китобида шундай дейди: “Ҳақиқатан, Абу Ҳанифа ва унинг издошлари сунний муржийлар, деб айтилган. Кўпчилик тарихчилар уни муржийлар сирасига киритган. Эҳтимол, унинг имонни қалб билан тасдиқлаш деб таъриф берганлиги ва имон кўпайиб-камаймайди, деганлиги сабабли уни амални кейинга суради, деб ўйлашгандир. У имонга амални қўшмаслиги қандай қилиб амални тарк қилишга фатво бериш бўлсин?! Бунинг бошқа сабаби бор эди, яъни у дастлабки даврданоқ қадарий ва мўтазилийларга қарши турган. Мўтазилийлар ҳамда хорижийларнинг Ваъидия фирқаси эса қазо ва қадар масаласида ўзларига хилоф қилган барча кишиларни муржийлар, деб номлар эди. Шу сабабли ушбу ном фақат мўтазилий ва

хорижийлар томонидан кўтарилган бўлиш эҳтимоли юқори”².

Имом Абул Ҳасан Али ибн Исмоил Ашъарий ўзининг “Мақолату-л-исламийин” китобида муржийларни имон ва амал масаласида ўн икки хил тоифага ажратиб, уларнинг ҳар бирини алоҳида зикр қилган. Имом Абу Ҳанифа ва унинг издошларини муржийликнинг тўққизинчи тоифаси сифатида зикр қилиб, қуйидагиларни келтирган: “Муржийликнинг тўққизинчи тоифаси Абу Ҳанифа ва унинг издошлари бўлиб, улар имонни Аллоҳни таниш ва унга иқрор бўлиш, Пайғамбарни таниш ва у Аллоҳнинг ҳузуридан келтирган нарсаларга умумий тарзда иқрор бўлиш, деб даъво қилишади... У имон бўлинмайди, кўпайиб-камаймайди ва одамлар унда турли даражада бўлмайди, деб ҳисоблайди”³.

Имом Ашъарийнинг ибораларидан, у киши Абу Ҳанифани муржийлардан ҳисоблаганлигини ва муржийликни сунний ва бидъат турларга ажратмаганлигини хулоса қилиш мумкин. Ашъарийнинг издоши Абул Фараж Шаҳристоний эса унга муржийлик нисбатини беришни мутлақо ёқламайди.

«Шарҳ ал-мавоқиф» асари муаллифи эса: “Муржий тоифасига мансуб Ғассон номли киши ўзининг муржийликка оид қарашларини Абу Ҳанифанинг номидан ҳикоя қилар ва уни муржий тоифасидан деб айтиб юрарди. Бу очиқ тухмат бўлиб, Ғассон ўз мазҳабини

²Абул Фатҳ Муҳаммад ибн Абдулкарим Шаҳристоний. Ал-Милал ва-н-ниҳал. – Байрут: Дару-л-кутуб ал-илмия, 1992. – Ж. I. – Б. 139

³Абул Ҳасан Али ибн Исмоил Ашъарий. Мақолату-л-исламийин. – Байрут: ал-Мактабату-л-асрия, 2009. – Ж. I-II. – Б. 119.



мусулмонлар тан олган улуғ олимга нисбат бериш орқали уни ривожлантиришга ҳаракат қилган”⁴.

Ибн Ҳажар Маккий ўзининг “ал-Хайрату-л-ҳисон” номли асарида: “Бир гуруҳ кишилар Абу Ҳанифани муржийлардан деб ҳисоблаганлар, лекин бу сўзнинг ҳақиқати йўқ”, деб таъкидлаган.

Муҳаммад Абу Захро, Доктор Абдулҳалим Маҳмуд ва Доктор Али Сами Нашар каби ўтган асрда яшаган ҳанафий мазҳабида бўлмаган айрим олимлар ҳам Имом Аъзамнинг кенг маънода муржийий ёки сунний муржийий эканлиги ҳақида фикр билдирган.

Замонавий тадқиқотчилардан бири Муҳаммад Абдурраҳмон Хамис “Усулу-д-дин инда Аби Ханифа” номли тадқиқотида муржийийликни қуйидаги тўртта даражага ажратади: “Хорижийлар ҳар бир катта гуноҳни куфр деса, муржийийлар эса (биринчи даражадагиси) имон фақат маърифат, деб эълон қилишган. Улар жаҳмийларнинг муржийийлари сифатида танилган. (Иккинчиси)

Карромийларнинг муржийийлари бўлиб, улар имон фақат тил билан иқрор бўлиш, дейишган. (Учинчиси) Айримлари имон фақат тасдиқлашдан иборат, деб даъво қилишди. (Тўрттинчиси) Баъзилари эса, тил билан иқрор бўлиш дунёвий ҳукмларни ижроси учунгина шарт қилинади, деб ҳисоблайдиган муржийийларидир. Улар мотуридийларнинг жумҳуридир. Айримлари имонни тасдиқ ва иқрордан иборат ҳисоблайди ва фақиҳларнинг муржийийлари номи билан танилган.

⁴Иноятуллоҳ Иблаг Афғоний. Ал-Имому-л-Аъзом Абу Ҳанифату-л-мутақаллим. Қоҳира: Лижнату-таъриф би-л-ислам, 1971. – Б.176.

Улар муржийий деб номланишига сабаб амални иймондан кечиктирганлиги бўлган. Имом Абу Ҳанифа даврида фақат биринчи ва тўрттинчи турдаги муржийийлик мавжуд бўлган, у муржийийликнинг биринчи турига қарши раддиялар берган бўлсада, ўзи унинг тўрттинчи турдаги қарашларини илгари сурган”⁵.

Абдурраҳмон Хамис Абу Ҳанифа ва унинг издошлари, хусусан мотуридий йўналиши вакилларининг аксариятини тўрттинчи турдаги муржийийликка очикдан очик қўшганлигини кўриш мумкин.

Шуни таъкидлаш лозимки, Абу Ҳанифа ва унинг издошларига муржийийлик нисбатини ижобий маънода ишлатилган бўлса, бу улар учун шараф ҳисобланар ва бу номга аҳли сунна вал жамоанинг бошқа йирик имомлари ҳам бирдек лойиқ бўлар эди. Зеро сўзлар эмас, улардан назарда тутилган маъно эътиборга лойиқдир. Бироқ бу яхши гумон амалда ўз тасдиғини топган эмас. Ёхуд амални имоннинг бир жузъи, деб ҳисобловчи аҳли сунна вал жамоанинг муҳаддислар йўналишига “сунний хорижий” ёки “сунний мўътазилий” деб ном берилмайди.

Шундай экан, буюк имомга нисбатан бу номни нисбат бериб, уни муржийийлар қаторида зикр қилишга қандай рози бўлиш мумкин?! Аслида, шариатнинг катта-ю кичик аҳкомларига оғишмасдан амал қиладиган олимлар устида бу масалани хилоф сифатида кўтариб, уни баҳс қилиш ҳам ноўрин. Ҳолбуки, Абу Ҳанифанинг тунларни

⁵Муҳаммад Абдурраҳмон Хаммис. Усулу-д-дин инда Аби Ханифа. Ар-Риёз: Дару-с-сомийий, 1996. – Б. 178-180.



ибодат билан бедор ўтказиши, Қуръони каримни хатм қилиши, парҳезкорлиги каби амалларда давомийлиги ҳақида кўплаб ривоятлар келган.

Юқорида келтирилган маълумотлардан қуйидаги хулосаларни қилиш мумкин. Абу Ҳанифага муржийлик нисбатини бериш борасидаги шахсларни умумий ҳолатда иккига ажратиш мумкин: Олимга муржийлик нисбати берилишини қораловчилар ҳамда бу нисбатни фақиҳга нисбат берувчилар. Биринчи қараш вакиллари муржийлик номи аҳли сунна вал жамоанинг етук олимига ҳамда эътиқодда адашган бир тоифага нисбатан муштарак ном сифатида ишлатишни олимнинг қадр-қимматини туширишга уриниш сифатида баҳолайди.

Иккинчи қараш вакиллари эса, бу борада бир хил мавқеда эмас. Уларнинг ўзини шартли равишда уч тоифага ажратиш мумкин: биринчиси, ўз ақидасини Абу Ҳанифа номидан нақл

қилиш ва унга муржий нисбатини бериш орқали ўз мазҳабини тарқатишга уринган муржийлар тоифаси; иккинчиси, қазо ва қадар, имон ва амал масалаларида ўз ақидаларига қарши бўлганлиги учун Абу Ҳанифа ва унинг издошларини муржий деб атаган муътазилӣ ва хорижийларнинг айрим фирқалари бўлиб, бу тоифага айрим замонавий адашган оқимларни ҳам киритиш мумкин; учинчиси, аҳли сунна вал жамоанинг ҳанафӣ мазҳабида бўлмаган айрим олимлари бўлиб, улар муржийликни суннат ва бидъат қайдлари билан икки турга тақсимлаганлар. Шу йўл билан суннийлик ақидасига мувофиқ келувчи тўғри маънодаги иржо билан адашган тоифанинг эътиқодий қарашларига мос келадиган иржо тушунчаларини ажратиб кўрсатишни ёки имон ва амал масаласида аҳли сунна вал жамоа мазҳабидаги муҳаддислар ва фақиҳлар йўналишини ажратиб кўрсатишни мақсад қилганлар.

References:

1. Абул Фатҳ Муҳаммад ибн Абдулкарим Шаҳристонӣ. Ал-Милал ва-н-ниҳал. – Байрут: Дару-л-кутуб ал-илмия, 1992. – Ж. I.
2. Абул Ҳасан Али ибн Исмаил Ашъарӣ. Мақолату-л-исламиӣин. – Байрут: ал-Мактабату-л-асрия, 2009. – Ж. I-II.
3. Иноятуллоҳ Иблағ Афғонӣ. Ал-Имому-л-Аъзом Абу Ҳанифату-л-мутакаллим. Қоҳира: Лижнату-т-таъриф би-л-ислам, 1971.
4. Муҳаммад Абдурраҳмон Хаммис. Усулу-д-дин инда Аби Ҳанифа. Ар-Риёз: Дару-с-сомиӣий, 1996.